
МИБ Риштон туман бўлими карантин вақтида уйда ўтирган кам таъминланган муҳтож оилаларга ёрдам кўрсатмоқда!

Кўплаб мамлакатларда бўлгани каби коронавирус эпидемияси бизнинг юртимизни ҳам четлаб ўтмади. Эпидемия туфайли эълон қилинган карантинда кўчага чиқмай мана шундай синовли кунларда уйда ўтирган кам таъминланган ва эҳтиёжманд оилаларга жиддий синов бўлди. Бироқ, ҳалқимиз орасида саховатпеша кишилар кўплиги боис кам таъминланган ва муҳтож оилалар эътибордан четда қолаётгани йўқ. Шундай хайрли тадбирлар Мажбурий ижро бюроси Риштон туман бўлими ходимлари томонидан ҳам амалга ошириб келинмоқда. Хусусан, бўлим томонидан карантинли кунларда муҳтож оилаларга бевосита карантин қоидаларига амал қилган ҳолда ташриф буюрилиб, бир нечта оилаларнинг электр энергияси, табиий газ ва маиший чиқинди бўйича ҳисобланган қарздорликлари ҳомийлик асосида тўлаб берилган бўлса яна бир нечта кам таъминланган қарздор жисмоний шахсларнинг маъмурий жарималари бўлим ходимлари ташаббуси билан саховатпеша тадбиркорлар томонидан ҳомийлик асосида тўлаб берилди. Мисол учун Риштон тумани, Мискин маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи кам таъминланган оила Йигиталиева Матлубахон хонадонининг электр энергиясидан бўлган қарздорлигига бўлим ходимлари томонидан ҳомийлик асосида пул ўтказилди. Яна шундай эҳтиёжманд оилалардан бўлган Риштон тумани, Навбаҳор МФЙ, Тинчлик кўчаси, 22-уйда яшовчи Ўлмасов Қобилжон ҳамда Фаровонлик МФЙ, С.Раҳимов кўчаси, 12-уйда яшовчи Ҳатимова Донахонлар хонадонининг электр энергиясидан бўлган 300.000 сўм қарздорлигига бўлим ташаббуси билан ҳомийлар томонидан пул ўтказилди.

2020-04-23 06:20:27